

**«Шыпан» жалпы орта мектебі 2015-2016 оқу жылында
«Айгөлек» тобының жетекшісі Рахметова Динора**

Мавзу: Балиқчи ҳақида эртак

Мақсади: а) меҳнатсеварликка, қаноатли бўлишга, шукур қилишга, исроф қилмасликка ўргатиб бориш.

Б) балиқчи ҳақида эртакни саҳналаштириш, образларни яратиш, эртак қаҳрамонларининг ҳолатларини болаларга хис эттириш.

В) нутқини ўстириш, сўз бойлигини орттириш, мустақил фикрлашга ўргатиб бориш.

Усули: саҳналаштириш

Жиҳозлар: эртак қаҳрамонларининг маскалари, кийимлари, эртак қаҳрамонларига мос саҳнани безаш, уйча, тешик тоғора.

Бориши: Саҳнада кампир тешик тоғора билан кир ювиб ўтиради.

Чол балиқ овлайдиган тўрини олиб овга кетмоқда.

Автор: Қадимда бир денгиз қирғоғида балиқчи яшаган экан. Унинг кампири, эски уйи, тешик тоғорасидан бошқа ғеч нарсаси йўқ экан. Чол денгиздан балиқ овлаб келиб, кампири иккови шуни пишириб еб кун кечирар экан. Бир куни ҳар кунгидек чол овга чиқиб кетибди. У денгизга тўр ташлабди, кечгача ҳеч нарса илинмабди. Қайтар пайтида таваккал қилиб яна тўр ташлабди. Тортибди. Қараса тўрга кичкина балиқча илинибди. Балиқча оддий балиқ эмас олтин балиқ экан. У тилга кирибди.

Олтин балиқ: Бобожон мени қўйиб юборинг. Мен денгиз подшоҳининг қизиман. Истаган нарсангизни бажараман дебди.

Балиқчи: Сен ҳали сўзлайсанми, ҳали? Ҳайрон бўлади. Бор боравер, сендан нимани ҳам сўрардим.

Автор: деб қўйиб юборибди.

Кечқурун чол уйга қуруқ қайтиб келибди ва кампирга бўлган воқеани айтиб берибди.

Кампир: Хей сен аҳмоқ чол, уйингда тешик тоғорадан бошқа ҳеч нарса йўқку. Ҳеч бўлмаса тоғора сўрамадимми? Бор тоғора сўраб кел.

Автор: Балиқчи денгизга қараб кетибди. Денгиз тўлғониб тошар эди. У денгизга қараб бақириб Олтин балиқни чақирибди.

Балиқчи: Олтин балиқ, олтин балиқ.

Автор: Денгиздан олтин балиқ пайдо бўлибди.

Олтин балиқ: Лаббай бобожон.

Балиқчи: Кампир мени уйдан ҳайдади. Ҳеч бўлмаса бир тоғора сўрамадингми дейди.

Олтин балиқ: Бобожон сиз хафа бўлманг, бораверинг. Мен ҳаммасини тайёрлайман.

Автор: Чол уйига келиб қараса, кампир янги тоғарада кир ювиб ўтирган экан.

Чол: Ооо кампир тоғаранг муборак бўлсин дейди қувониб.

Кампир: Ҳей аҳмоқ! Бир тоғора сўраб, қувониб келиб турибсанми. Уйинг аҳволига қара қулай деб турибди. Янги уй сўраб кел бор.

Автор: Чол яна денгизга қараб юради. Денгизга бақириб балиқни чақиради.

Чол: Олтин балиқ, олтин балиқ.

Олтин балиқ: Лаббай бобожон!

Чол: Кампирим мени яна ҳайдади. Уйинг эски янги уй сўра деяпти.

Балиқ: Бобожон сиз хафа бўлманг бораверинг мен ҳаммасини тайёрлаб қўяман.

Автор: Чол уйига келиб қараса, янги уй пайдо бўлиб унда кампири чой ичиб ўтирган экан.

Чол: (қувониб) вой кампир янги уйинг қутлуғ бўлсин.

Кампир: Шу уйни сўраб зўр қилдим деб келдингми? Бор болиғингга айт, мен подшойим бўлгим келади.

Автор: Чол яна денгиз томонга қараб йўл олади. Бориб балиқни чақиради.

Чол: Олтин балиқ, олтин балиқ.

Балиқ: Лаббай бобожон!

Чол: Кампирим мени тагин уйдан ҳайдади. Янги уй керакмас эмиш. подшойим бўлгим келади дейди.

Балиқ: Бобожон сиз бораверинг, мен ҳаммасини тайёрлайман.

Автор: Чол уйга келса, ўзининг эски уйи ўрнида, катта сарой пайдо бўлибди. Кампири эса подшойим бўлиб, хизматкорлари қўриқлаб турган экан. Чолни саройга киритмабди.

Чол: Подшойим мартабангиз қутлуғ бўлсин дебди.

Кампир: Сен аҳмоқ чол йўқол! Болиғингга бориб айт. Энди мен подшойим бўлишни хоҳламайман. Мен бутун ер юзининг, денгиз остининг подшоҳи бўлишни хоҳлайман, балиғинг менинг хизматимда бўлсин дебди.

Автор: Чол денгизга қараб йўл олибди ва балиқни чақирбди.

Чол: Олтин балиқ, олтин балиқ.

Балиқ: Лаббай бобожон!

Чол: Шум кампир айниди, энди хоним бўлмас эмиш, ер юзи ва денгиз ости подшоҳи бўламан дейди. Сени унинг хизматида бўлсин дейди.

Автор: Балиқ индамайди. Сувга бир шўнғиб тушиб кетади. Денгиз қоп-қора бўлиб, тўлқинлаб тошди. Чол уйга келиб қараса, эски уйи шу кампири тешик тоғораси турар эди.

